

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАНИЯЗОВ АМАНИЯЗ ЖАНАДИЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОҚ ТУЁҚЛИ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ  
(PERISSODASTYLA) ГЕЛЬМИНТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Каниязов Аманияз Жанадилович**

Қорақалпоғистон тоқ туёқли хайвонларининг (Perissodactyla)  
гельминтлари..... 3

**Каниязов Аманияз Жанадилович**

Гельминты непарнокопытных животных (Perissodactyla)  
Каракалпакстана..... 21

**Kaniyazov Amaniyaz Janadilovich**

Helminths of odd-toed ungulates animals (Perissodactyla) in  
Karakalpakstan..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАНИЯЗОВ АМАНИЯЗ ЖАНАДИЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОҚ ТУЁҚЛИ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ  
(PERISSODASTYLA) ГЕЛЬМИНТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/V164 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шакарбоев Эркинжон Бердикулович**  
биология фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кучбоев Абдурахим Эргашевич**  
биология фанлар доктори, профессор

**Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич**  
биология фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.V.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил 23 декабрь куни соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz))

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 34 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup> - уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2020 йил 11 декабрь куни тарқатилди.  
(2020 йил 11 декабрдаги 5-рақамли реестр баённомаси)



*Д.А. Азимов*  
Д.А. Азимов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор, академик

*Г.С. Мирзаева*  
Г.С. Мирзаева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

*Ф.Д. Акрамова*  
Ф.Д. Акрамова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси  
ўринбосари, б.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида туёқли ҳайвонлар, жумладан отлар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш йилқичиликдаги ҳозирги куннинг асосий вазифасидир. Айниқса, мустаҳкам озуқа базасини кенг миқёсда ривожлантириш, ҳайвонларни турли хил касалликлардан, шу жумладан гельминтозлардан сақлаш бўйича ветеринария тадбирларининг ўтказилишига талаб ортиб бормоқда. Чунки, тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтозлари кенг тарқалган ва аксарият ҳолларда касаллик аломатлари сурункали тарзда кечиб, клиник белгилари яққол намоён бўлмайди. Ҳайвонлар ташқи томондан соғлом кўриниши мумкин ва шунинг учун ҳам профилактик тадбирлар олиб борилмайди. Шундан келиб чиқиб, тоқ туёқли ҳайвонларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражасини аниқлаш ва гельминтозлар профилактикасининг илмий асосларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳондаги ривожланган давлатларнинг илмий марказларида чорвачиликнинг, жумладан, йилқичиликнинг барқараор ривожланишида озуқа базаси муҳим ўрин тутиб, тоқ туёқли ҳайвонларнинг эндопаразитлари – гельминтларнинг турлар таркиби, аниқ табиий-иқлим ҳудудларида тарқалиши, гельминтозларнинг ёшга оид ва мавсумий динамикаси, кенг тарқалган ва патоген турларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш, йилқичилик хўжаликларини инвазиядан холи қилишнинг асоси эканлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда чорвачиликнинг барча тармоқларида шунингдек, йилқичилик соҳасида ҳавфли касалликларни келтириб чиқарувчи гельминтлар Trematoda, Cestoda ва Nematoda синфларига мансуб гельминтлар кенг тарқалган бўлиб, ветеринария амалиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Турли табиий-иқлим шароитларда уларнинг тарқалишини, турлар ҳилма-хиллигини аниқлаш, уларга қарши курашиш усулларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикамызда уй ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг гельминтлари ва улар чақирадиган касалликларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида ҳайвонларда паразитлик қиладиган гельминт турлари аниқланган, гельминтозларнинг ҳайвон организмига салбий таъсири ва паразитларнинг сонини бошқариш борасида муайян натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда, Орол бўйи ҳудудида тоқ туёқли ҳайвонлари гельминтларининг тур таркибини аниқлаш ва инвазиянинг

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

олдини олишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-408-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3057-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4194-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4512-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4776-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтлари тур таркиби, таксономияси, доминант турлар биологияси ва уларнинг келтирадиган зарарларини ўрганишга оид маълумотлар хорижий олимларнинг Н.Н. Gomez, J.R.Georgi (1991), S.Matthee, M.A.McGeoch (2004), U. Uslu, F. Guçlu (2007), Ş. Umur, M. Açıci (2009), S.H.Hosseine et al. (2009), G.B. Shrikhande et al. (2009), T. Mezgebu et al. (2013), T. Berhanu et al. (2014), A. Al-Qudari et al. (2015), Sh. Dissanayake et al. (2017), M.H.F. Rosa et al. (2018), M. Tedla, B. Abichu (2018), M.A. Saeed et al.(2019), E. Tyden et al. (2019), N. Mulw et al. (2020) ишларида баён этилган.

МДХ мамлакатларида тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтофаунаси ва паразитларнинг хўжайин организмига патоген таъсирини Г.М.Двойнос ва б. (1992), И.С.Шарова (2007), А.С.Канокова ва б. (2008), В.А.Вислобоков (2009), А.В.Машуков (2009), А.В.Ткаченко (2009), Г.А.Сулейманов (2009), Б.М.Арипшева (2010), И.А.Волков (2010), Т.А.Кузьмина (2012), Р.И.Хасанова (2015) ҳамда И.Шодмонов (2019) лар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг тур таркиби, айрим турларнинг экологик хусусиятлари, доминант турларнинг ҳаёт циклларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар В.С.Ершов (1933), Х.З.Ибрагимов (1955), О.А.Бердник (1956), М.Г.Жданова (1961, 1967, 1969), Я.С.Сафаев (1973), С.Д.Дадаев (1978), Т.И.Исмаилов (1980), Д.А.Азимов (1986, 1991), Э.Б.Шакарбоев (1996, 2009) ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида Ўзбекистоннинг жанубий, шарқий ва шимоли-шарқий ҳудудларида отларда 54 та тур гельминтлар қайд этилган. Отлар гельминтларининг эколого-фаунистик хусусиятлари ўрганилиб, ҳайвон ва уларнинг гельминтлари ўртасида биоценотик алоқалар аниқланган. Отлар аноплоцефалитозлари ва стронгилятозларига қарши курашишда қатор антгельминтик препаратларнинг самарадорлиги ўрганилган.

Бироқ, ушбу тадқиқотлардан олинган натижаларининг айримлари эскирган бўлиб, Орол бўйи ҳудуди тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг замонавий тур таркиби, гельминтлар билан зарарланиш даражаси, гельминтозлар динамикасининг ёшга ва мавсумга боғлиқ жиҳатлари, гельминтофаунанинг шаклланиш йўллари тўғрисида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шунга кўра, Қорақалпоғистон шароитида тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг ҳозирги вақтдаги тур таркибини ўрганиш, кенг тарқалган турларнинг биоэкологик хусусиятларини ва гельминтофауна шаклланиш йўллариининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ҳамда инвазияга қарши илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ВА-ФА-Ф-5-007 рақамли “Ўзбекистон ҳайвонлари паразитлари - Spirurida Chitwood, 1933 туркуми нематодалари популяция эволюцияси, эволюцияси ва таксономияси” (2017-2020 йй.) ва Т.5-18 рақамли “Шимоли-ғарбий Ўзбекистон отларининг гельминтофаунаси ва унинг шаклланиш йўллари” (2018-2019 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:**

Қорақалпоғистон шароитида тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг тур таркибини, ҳайвонларнинг зарарланиш даражасини ва гельминтофаунанинг шаклланиш йўллариини аниқлаш ҳамда гельминтозларнинг олдини олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистон шароитида тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг замонавий тур таркибини ўрганиш;

тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларини эколого-фаунистик таҳлил этиш;

Қорақалпоғистон шароитида тоқ туёқли ҳайвонларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражасини аниқлаш;

тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтозларининг ёшга ва мавсумга оид динамикасини тадқиқ қилиш;

Орол бўйи ҳудудларида тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтофаунасининг шаклланиш йўллари очиқ бериш;

тоқ туёқли ҳайвонлар асосий нематодозлари профилактикасининг илмий асосларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** тоқ туёқлилар (*Perissodactyla*) туркумига мансуб уй ҳайвонлари – от (*Equus caballus dom.*) ва эшак (*Equus asinus dom.*) ларнинг гельминтлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтлари фаунаси, таксономияси ва экологияси; ҳайвонларнинг гельминтлар билан зарарланиш экстенсивлиги ва интенсивлиги; доминант гельминтозлар мавсумий ва ёшга оид динамикаси; гельминтофаунасининг шаклланиш йўллари; асосий нематодозларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда зоология, гельминтология, паразитология фанларининг ҳамда биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистонда тоқ туёқли ҳайвонлар организмида 2 тип, 3 синф, 8 туркум, 18 оила, 30 авлодга мансуб 61 тур гельминтлар паразитлик қилиши аниқланган бўлиб, улардан отлар организмида гельминтларнинг 60 тури, эшакларда эса, 49 та тур паразитлик қилиши аниқланган;

тоқ туёқли ҳайвонларда нематодаларнинг 54 тури, цестодаларнинг 5 тури ва трематодаларнинг 2 тури учраши исботланган;

ҳайвонларнинг гельминтлар билан зарарланишининг инвазия экстенсивлиги 0,7% дан 33,6% га, инвазия интенсивлиги 1 та нусхадан 12538 нусхагача ташкил этиши аниқланган;

тоқ туёқлилар ва уларнинг гельминтлари ўртасидаги биоценодик муносабатлар топик алоқалар орқали амалга ошиши аниқланган ҳамда Орол бўйи шароитида табиий ва антропоген омиллар таъсирида тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтофаунасининг шаклланиш хусусиятлари асосланган;

Қорақалпоғистон шароитида отларнинг параскаридоз ва сетариоз билан зарарланишининг мавсумий ва ёшга оид динамикаси очиқ берилган;

Қорақалпоғистон шароитида отларнинг асосий нематодозларини профилактика қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли ёшдаги тоқ туёқли ҳайвонларнинг параскаридоз билан зарарланиш даражаси аниқланган;

отлар гельминтозлари ва уларга қарши кураш чора-тадбирларига доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ивермектин-10 препаратидан отлар параскаридозини самарали даволаш ва профилактика қилиш учун фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган анъанавий паразитологик, гельминтологик ва морфометрик услубларни



қўлланилганлиги, натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилганлиги, морфометрик маълумотларни Statistica 12.6 (USA, www.statsoft.com) дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси тоқ туёқли хайвонлари гельминтларининг таксономик таҳлили, экологик-фаунистик таснифи, гельминтларнинг хўжайин билан биоценотик алоқалари очиб берилганлиги, Қорақалпоғистон ҳудудида тоқ туёқли хайвонлар гельминтофаунасининг шаклланиш жараёнига тавсиф берилганлиги ҳамда гельминтлар алоҳида турларининг эпизоотик аҳамиятига баҳо берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоқ туёқли хайвонларнинг гельминтозлари олдини олиш ва қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек республикада йилқилар бош сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат килади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тоқ туёқли хайвонларнинг гельминтлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистон Республикасининг тоқ туёқли хайвонлари гельминтларининг Trematoda, Cestoda ва Nematoda синфларига мансуб 52 турдан иборат 1040 нусха гельминт намуналари “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 8 июлдаги 4/1255-1425-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар тоқ туёқли хайвонлар гельминтлари фондини бойитган ва гельминтлар турлари хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда уларнинг систематик таҳлил қилиш имконини берган;

отларнинг асосий нематодозлари ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 33/04-92-сон маълумотномаси). Натижада, отларнинг нематодозларини ташхислаш, мониторинг қилиш ва инвазияга қарши курашиш ҳамда шахсий от боқувчи хонадонлардаги отларнинг маҳсулдорлигини 15–20% га ошириш имконини берган;

отлар параскаридозига қарши Ивермектин-10 препаратини қўллаш бўйича амалий тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир ва Қораўзак туманлари ветеринария хизмати амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 33/04-92-сон маълумотномаси). Натижада, Ивермектин-10 препарати отлар

параскаридозини даволашда ижобий таъсир этиб, 86,7% самарадорликка эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бта халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та амалий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 3 та республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтофаунасининг ўрганилиш даражаси (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи боби иккита параграфдан иборат. Биринчи параграфда тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг хорижий давлатларда ўрганилиш даражаси баён этилган бўлиб, унда ҳайвонлар гельминтларининг тур таркиби, доминант турлар биологияси ва экологияси, гельминтозлар эпизоотологияси, инвазия профилактикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўз ифодасини топган. Биринчи бобнинг иккинчи параграфида Ўзбекистонда тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг ўрганилиш ҳолати бўйича бугунги кунгача олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Хусусан, тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтлари фаунаси, гельминтларнинг биоэкологик хусусиятлари, отлар гельминтозларида дегельминтизация ва профилактик чора-тадбирлар бўйича адабиёт маълумотлар таҳлил этилган. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон ҳудудида сўнги 40-50 йил давомида тоқ туёқлилар гельминтларини ўрганиш бўйича тадқиқот

ишлари деярли бажарилмаган. Қорақалпоғистон ҳудудида эса бу борада илмий-тадқиқот ишлари умуман мавжуд эмас.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларини ўрганиш услублари ва тадқиқот материаллари”** деб номланган бўлиб, унда йиғилган материал ҳажми, тадқиқот материали ва тажриба ўтказилган жой ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2016-2020 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларидаги фермер хўжаликлар ва шахсий хонадонларга тегишли тоқ туёқли ҳайвонлар устида олиб борилган. Ушбу давр мобайнида академик К.И.Скрябиннинг (1928) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан 174 бош тоқ туёқли ҳайвонлар текширилган. Жумладан, 143 бош отлар (62 бош отлар – тўлиқ ёриб кўрилган, 81 бош отлар – тўлиқ бўлмаган усулда текширилган) ва 31 бош эшаклар (тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усулида) текширилган. Шунингдек, отлардан 395 та ва эшаклардан 138 та фекалий намуналари олинган ва гельминтокопрологик усуллар (Фюллеборн, Калантарян, Щербович, Дарлинг ва кетма-кет ювиш усули) ёрдамида тадқиқ этилган (Маркевич, 1961; Демидов, 1987). 1 г фекалийда тухум ва личинкалар сони ҳам ҳисобга олиб борилган (Столл услуги бўйича). Текширилган ҳудудлардан от ва эшаклардан 143 та аналь атрофи бурмаларидан олинган суртмалар ва 162 та қон намуналари Зоология институти Умумий паразитология лабораторияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария лабораториясида умумий қабул қилинган услублар асосида текширилган (Ветеринарная лабораторная практика, 1963).

Гельминтлар тур таркибини аниқлашда морфологик белгилари, паразит локализацияси ва хўжайин турига эътибор қаратилган ҳамда тегишли адабиётлардан (Боев ва б., 1962; Шульц, Гвоздев, 1970,1972; Ивашкин, Двойнос, 1984; Двойнос, 1993; Двойнос, Харченко, 1994) фойдаланилган.

Тоқ туёқли ҳайвонлар параскаридозига қарши кураш учун Ивермектин-10 препаратини қўллаш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Барча рақамларга оид маълумотлар математик ва статистик қайта ишланган (Лакин,1990).

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон тоқ туёқли ҳайвонлари гельминтларининг систематик таҳлили”** деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси тоқ туёқли ҳайвонлари гельминтларининг систематик ҳолатига оид тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида отлар ўртасида 2 тип, 3 синф, 8 туркум, 17 оила, 29 авлодга мансуб 60 тур, эшаклар ўртасида эса 2 тип, 3 синф, 8 туркум, 17 оила, 28 авлодга мансуб 49 тур гельминтлар паразитлик қилиши қайд этилган (1-жадвал).


**Қорақалпоғистонда тоқ туёқли ҳайвонлар гельминтларининг  
таксономик структураси**

| Синф         | Туркум          | Оила               | Турлар сони |           |
|--------------|-----------------|--------------------|-------------|-----------|
|              |                 |                    | Отларда     | Эшакларда |
| Trematoda    | Fasciolida      | Fasciolidae        | 1           | 1         |
|              | Schistosomatida | Schistosomatidae   | 1           | 1         |
| Cestoda      | Cyclophyllida   | Taeniidae          | 2           | 1         |
|              |                 | Anoplocephalidae   | 3           | 3         |
| Nematoda     | Rhabditida      | Srtongyloididae    | 1           | 1         |
|              | Strongylida     | Trichonematidae    | 36          | 26        |
|              |                 | Trichostrongylidae | 1           | -         |
|              |                 | Strongylidae       | 3           | 3         |
|              | Pseudaliida     | Dictyocaulidae     | 1           | 1         |
|              | Ascaridida      | Ascarididae        | 1           | 1         |
|              |                 | Oxyuridae          | 1           | 1         |
|              |                 | Cosmocercidae      | 1           | 1         |
|              | Spirurida       | Spiruridae         | -           | 1         |
|              |                 | Gongylonematidae   | 1           | 1         |
|              |                 | Habronematidae     | 3           | 3         |
|              |                 | Filariidae         | 1           | 1         |
|              |                 | Onchocercidae      | 2           | 2         |
| Setariidae   |                 | 1                  | 1           |           |
| <b>Жами:</b> | <b>8</b>        | <b>18</b>          | <b>60</b>   | <b>49</b> |

Trematoda синфи 2 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 3% ни ташкил этган; Cestoda синфи 5 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 8% ни ташкил этган; Nematoda синфи 54 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 89% ни ташкил этаган (1-расм).

Отларда аниқланган 60 тур гельминтлардан тур таркиби бўйича энг кўпи Nematoda синфидир, у 53 турни (88.3%), Cestoda синфи 5 турни (8.4%) ва Trematoda синфи – 2 турни (3.4%) бирлаштирган. Ривожланиш циклига кўра 15 тури биогельминтларга ва 45 тури геогельминтларга мансуб. Ушбу кўрсаткичлар эшаклар гельминтлари учун ҳам тааллуқлидир. Nematoda синфи, 43 турни (88 %), Cestoda синфи 4 турни (8 %) ва Trematoda синфи эса 2 турни (4%) бирлаштирган. Ривожланиш циклига кўра биогельминтлар 15 турдан, геогельминтлар эса 34 турдан иборатлиги аниқланган.

Гельминтлар хўжайин организмнинг овқат ҳазм қилиш тизими (54), нафас олиш органлари тизими (2), юрак-қон томирлар тизими (1), қорин бўшлиғи (1), тери ости клечаткаси (1), пайларда (2) паразитлик қилиши аниқланган.



1-расм. Тоқ туёқлилар гельминтларининг синфлар кесимида тақсимланиши

Диссертациянинг “Қорақалпоғистон тоқ туёқли хайвонлари гельминтларининг эколого-фаунистик таҳлили” деб номланган тўртинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, Қорақалпоғистон тоқ туёқли хайвонлари гельминтларининг эколого-фаунистик таҳлиliga бағишланган.

Бобнинг биринчи параграфиди Қорақалпоғистон шароитида тоқ туёқли хайвонларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган: трематодалар - *F.gigantica* (9,7%), *Sch.turkestanicum* (18,8%), цестодалар - *A.perfoliata* (27,3%), *A.magna* (24,5%), *P.mamillana* (2,8%), *T.hydatigena* (6,3%), *E.granulosus* (9,1%), нематодалар - *S.westeri* (3,5%), *T.longibursatum* (27,2%), *T.aegyptiacum* (26,5%), *T.alveatum* (14,7%), *T.calicatum* (27,2%), *T.catinatum* (25,1%), *T.coronatum* (26,5%), *T.minutum* (23,0%), *C.bicoronatum* (13,3%), *C.pateratum* (0,7%), *C.mettami* (5,6%), *C.euproctus* (6,3%), *C.radiatum* (7%), *C.elongatum* (11,1%), *C.insigne* (4,1%), *C.leptostomum* (2,0%), *C.nassatum* (14,7%), *C.triramozum* (3,5%), *C.brevicapsulatum* (3,5%), *C.adersi* (4,1%), *C.ultrajectinum* (0,7%), *P.imparidentatum* (3,5%), *P.ratzii* (2,8%), *P.skrjabini* (5,6%), *P.skrjabini* (7,7%), *P.poculatum* (3,5%), *Sch.goldi* (4,0%), *Sch.asimmetricum* (2,0%), *Sch.labratum* (2,0%), *Sch.labiatum* (2,8%), *Sch.hybridum* (0,7%), *G.capitatus* (2,8%), *T.axei* (0,7%), *S.equinus* (25,8%), *A.edentatus* (22,4%), *D.vulgaris* (21,7%), *T.serratus* (3,5%), *T.brevicauda* (2,8%), *T.tenuicollis* (0,7%), *T.popowi* (5,6%), *T.minor* (4,2%), *D.arnfieldi* (12,6%), *P.equorum* (33,6%), *O.equi* (27,3%), *P.vivipara* (16,1%), *H.muscae* (14%), *H.microstoma* (10,5%), *D.megastoma* (3,5%), *G.pulchrum* (11,2%), *O.cervicalis* (12,6%), *O.reticulata* (16,8%), *P.multipapillosa* (27,2%) ва *S.equina* (27,9%).

Қорақалпоғистонда эшакларнинг гельминтлар билан зарарланиш инвазия экстенсивлик даражаси: трематодалар - *F.gigantica* (6,4%), *Sch.turkestanicum* (16,1%), цестодалар - *A.perfoliata* (22,6%), *A.magna* (6,4%), *P.mamillana* (3,2%), *E.granulosus* (6,4%), нематодалар - *S.westeri* (3,2%), *T.longibursatum* (12,9%), *T.aegyptiacum* (6,4%), *T.alveatum* (9,6%), *T.calicatum* (9,6%), *T.catinatum* (12,9%), *T.coronatum* (12,9%), *T.minutum* (6,4%), *C.bicoronatum* (3,2%),

*C.pateratum* (6.4%), *C.euproctus* (3.2%), *C.radiatum* (3.2%), *C.elongatum* (3.2%), *C.insigne* (3.2%), *C.nassatum* (6.4%), *C.adersi* (3.2%), *P.imparidentatum* (3.2%), *P.ratzii* (3.2%), *P.skrjabini* (3.2%), *P.skrjabini* (6.4%), *Sch.goldi* (3.2%), *Sch.alabiatum* (6.4%), *Sch.hybridum* (3.2%), *G.capitatus* (3.2%), *S.equinus* (3.2%), *A.edentatus* (6.4%), *D.vulgaris* (3.2%), *T.serratus* (3.2%), *T.tenuicollis* (6.4%), *T.minor* (3.2%), *D.arnfieldi* (9.6%), *P.equorum* (19.3%), *O.equi* (6.4%), *P.vivipara* (9.6%), *H.muscae* (6.4%), *H.microstoma* (9.6%), *D.megastoma* (9.6%), *G.pulchrum* (12.9%), *O.cervicalis* (6.4%), *O.reticulata* (6.4%), *P.multipapillosa* (9.6%), *S.equina* (12.9%), ва *Ph.sexalatus* (16.1%).

Олиб борилган тадқиқотларга кўра Қорақалпоғистонда тоқ туёқли хайвонларнинг шистосомоз, аноплоцефалидозлар, стронгилёз, алфортиоз, делафондиоз, трихонематодозлар, параскаридоз, оксиуроз, парафилариоз, сетариоз билан нисбатан юқори даражада зарарланиши кузатилган. Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида олиб борилган (Сафаев, 1973; Дадаев, 1978; Исмаилов, 1980) тадқиқотлар билан мос келган.

Кўпгина нематодалар инвазия экстенсивлиги жиҳатидан жуда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот давомида топилган 54 та нематода туридан 45 таси – **геогельминт** 9 таси - **биогельминтлар** ҳисобланади. Нематодалар ўртасида геогельминтлар *D.vulgaris*, *A.edentatus*, *S.equinus*, *P.equorum*, *Trichonema spp.*, ҳамда биогельминтлар орасида – *P.multipapillosa* ва *S. equina* энг юқори ИЭ кўрсатган. Шунини таъкидлаш керакки, уларнинг барчаси, шунингдек *Oxyuris* ва *Onchocerca* авлодига мансуб турлари отларнинг энг патоген паразитлари ҳисобланади (Сафаев, 1973; Султанов ва б., 1974, 1975; Дадаев, 1978; Исмаилов, 1980). Бизнинг тадқиқотларимиз ҳам ушбу фикрларга мос келади.

Тоқ туёқлиларнинг гельминтлар билан зарарланиши кўп омилларга боғлиқ. Масалан, бир хил отхона ва йилқилар уюрида ҳар хил турдаги гельминтлар билан турли инвазия интенсивлик даражасида зарарланиши мумкин. Тоқ туёқлиларда гельминтозлар ривожланишининг асосий омиллари қуйидагилардир: ирсий жиҳатдан берилувчанлиги, парвариш қилиш шароити, озиклантириш тури, эксплуатация даражаси, хайвон ҳаёти давомида қандай дори воситаларини (айниқса, антибиотиклар ва гормонлар) қабул қилганлиги ва бошқа омиллар.

Олиб борилган тадқиқот ишимиз доирасида гельминтларнинг 7 та тури зооноз турлар эканлиги аниқланди: *F.gigantica*, *Sch.turkestanicum*, *E.granulosus*, *T.hydatigena*, *T.axeii*, *G.pulchrum* ва *Ph.sexalatus* (Султанов ва б., 1975; Ивашкин, Двойнос, 1984).

Тадқиқот натижаларини республиканинг бошқа вилоятлари бўйича олинган адабиёт маълумотлари билан солиштирилганда (Султанов ва б., 1975; Исмаилов, 1980) Қорақалпоғистонда тоқ туёқлиларнинг гельминтлар билан зарарланиши нисбатан паст даражада эканлиги маълум бўлган. Хусусан, ушбу тур хайвонда *F.gigantica* авваллари 12% учраган, *T.hydatigena*-9,5% ва *E.granulosus*-12,5% аниқланган. Қуйидаги нематодаларнинг тарқалиши сезилари даражада камайган: *S.equinus* ва *D.vulgaris* (аввал ИЭ 100% ни ташкил этган), *A.edentatus* (87,5%), *D.arnfieldi*

(98,8%), *T.serratus* (25%), *T.brevicauda* (12,5%), *P.equorum* (43,06%), *O.equi* (25,5%), *P.vivipara* (55,8%), *S.equina* (50%), *O.cervicalis* (68,8%) ва *O.reticulata* (68,8%).

Бобнинг иккинчи параграфида тоқ туёқли ҳайвонларнинг доминант гельминтозлар билан мавсумий ва ёшга боғлиқ зарарланиш динамикаси бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар Қорақалпоғистонда кенг тарқалган гельминтоз отлар параскаридоз ва сетариози мисолида кўриб чиқилган.

Тадқиқот давомида текширилган отларнинг 33,6% параскаридоз ва 27,9% сетариоз аниқланган. Олиб борилган тадқиқотлар, отларнинг *P.equorum* нематодаси билан зарарланиш даражаси Қорақалпоғистоннинг турли туманларида кескин фарқ қилмаслигини кўрсатмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

### Қорақалпоғистон туманларида отларнинг *Parascaris equorum* нематодаси билан зарарланиш даражаси

(гельминтокопрологик текшириш натижалари бўйича)

| Туманлар     | Текширилган отлар бош сони | Шундан зарарланганлари | ИЭ,%        |
|--------------|----------------------------|------------------------|-------------|
| Бўзатов      | 62                         | 22                     | 35,5        |
| Тахтакўпир   | 45                         | 14                     | 31,1        |
| Қораўзак     | 39                         | 12                     | 30,7        |
| Элликқалъа   | 40                         | 15                     | 37,5        |
| Кегейли      | 51                         | 16                     | 31,4        |
| Кўнғирот     | 27                         | 7                      | 25,9        |
| <b>Жами:</b> | <b>264</b>                 | <b>86</b>              | <b>32,6</b> |

Гельминтокопрологик текшириш натижалари Қорақалпоғистоннинг тадқиқот ишлари олиб борилган 6 та туманида отларнинг параскаридоз билан зарарланиши 25,9 фоиздан 37,5 фоизгача бўлиб, ўртача 32,6 фоизни ташкил этган. Отларнинг параскаридоз билан зарарланиш даражаси гельминтокопрологик ва ёриб кўриш усуллари натижаларида яқин кўрсаткичларни қайд этган (32,6% ва 33,6%, мос равишда). Копрологик текшириш натижалари, ҳар хил ёшдаги отларнинг *P.equorum* нематодаси билан зарарланиши турлича эканлигини кўрсатмоқда. Ҳайвонларнинг ёши катталашган сари, уларнинг параскаридоз билан зарарланиш даражаси пасайиб ва шу билан биргаликда нематода тухумларининг миқдори фекалийда камайиб борган. Гельминтокопрологик усул билан текширилган 264 бош отнинг 86 боши зарарланган бўлиб, икки ёшгача бўлган ҳайвонларда - 40,4%, икки ёшдан беш ёшгача бўлган ҳайвонларда - 31,4%, беш ёшдан юқори ҳайвонларда 24,6%, 1 грамм фекалийда 58,3±1,5 нусха, 39,7±1,3 ва 7,4±1,1 нусха, мос равишда қайд этилган (3-жадвал).

**Копрологик текшириш натижалари бўйича отларнинг *Parascaris equorum* нематодаси билан зарарланиши кўрсаткичлари**

| Отларнинг ёши                | Текширилган отлар | Улардан зарарланган | ЭИ, %       | 1 грамм фекалийда <i>P. equorum</i> тухумларининг миқдори, нусха |
|------------------------------|-------------------|---------------------|-------------|--|
| Икки ёшгача бўлган           | 89                | 36                  | 40,4        | 58,3±1,5   |
| Икки ёшдан беш ёшгача бўлган | 102               | 32                  | 31,4        | 39,7±1,3   |
| Беш ёш ва ундан юқори        | 73                | 18                  | 24,6        | 7,4±1,1  |
| <b>Жами/ўртача</b>           | <b>264</b>        | <b>86</b>           | <b>32,6</b> | <b>35,1±1,3</b>  |

Биобарин, олиб борилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ҳайвон ёши қанча кичик бўлса, уларнинг *P. equorum* нематодаси билан зарарланиши шунча юқори, аксинча ёши катталашган сари уларнинг параскарида билан зарарланиш даражаси пасайиб борар экан. Бу хусусият бошқа муаллифлар томонидан ҳам баъзи гуруҳ гельминтлар мисолида изоҳланган (Антипин, 1948; Пономарев, 1999; Хасанова, 2015).

Кейинги тажриба ишларимиз отларнинг *P. equorum* нематодаси билан зарарланишининг мавсумий динамикасини ўрганишга қаратилган. Гельминтлар билан зарарланишнинг мавсумий динамикаси 264 бош от устида гельминтокопрологик текшириш усуллари билан амалга оширилган. Параскаридоз йилнинг барча фаслларида қайд этилган. Яъни, олинган натижалар отларнинг баҳорда 19,7%, ёзда 25,4%, кузда, 33,7%, қишда 35,2 % зарарланганлигини кўрсатмоқда (4-жадвал). Куз ва қиш ойларида отларнинг *P. equorum* нематодаси билан зарарланиш даражалари деярли бир хил даражада эканлигини кўришимиз мумкин.

**Отларнинг *Parascaris equorum* нематодаси билан зарарланишининг мавсумий динамикаси**

(гельминтокопрологик текшириш натижалари бўйича)

| Йил фасллари          | Текширилган, сони | Зарарланган, сони | ИЭ, (%) | 1 грамм фекалийда <i>P. equorum</i> тухумларининг миқдори, нусха |
|-----------------------|-------------------|-------------------|---------|--|
| Баҳор (апрель)        | 264               | 52                | 19,7    | 37,7±1,4   |
| Ёз (июль)             | 264               | 67                | 25,4    | 43,6±1,3   |
| Куз (октябрь)         | 264               | 89                | 33,7    | 49,4±1,5   |
| Қиш (декабрь-февраль) | 264               | 93                | 35,2    | 42,3±1,4   |

1 грамм фекалийда топилган тухумлар миқдори ҳам шунга мос равишда ошиб борганлиги кузатилган. Биобарин, отларнинг *P. equorum* нематодаси билан максимал зарарланганлик ҳолати куз-қиш ойларига тўғри келиб, бу



даврда параскаридалар урғочиларининг янги авлодлари кўплаб тухум ажрата бошлаганлигини тахмин қилиш мумкин.

Қорақалпоғистон худудида текширилган 143 бош отнинг 40 таси *S.equina* нематодаси билан зарарланган бўлиб, инвазия экстенсивлиги 27,9% ни ташкил этмоқда. Сетария билан зарарланган 40 бош отлар ёш бўйича тақсимланиб чиқилганда, улардан 11 боши 2 ёшгача, 17 боши икки ёшдан беш ёшгача, 12 боши 5 ёш ва ундан катта эканлиги аниқланган (5 жадвал). Маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳайвон ёши катталлашиб борган сари, отларнинг сетария билан зарарланиш даражаси ошиб бормоқда. Икки ёшгача бўлган тойларнинг зарарланиши 22,9% ни ташкил этган бўлса, беш ёш ва ундан катта ёшдаги отлар сетариялар билан 33,3% га зарарланган.

5-жадвал

### Қорақалпоғистон шароитида отларнинг *Setaria equina* нематодаси билан зарарланишининг ёшга оид динамикаси

| Отларнинг ёши         | Текширилган отлар | Улардан зарарланган | ЭИ, %       | ИИ, нусха   |
|-----------------------|-------------------|---------------------|-------------|-------------|
| Икки ёшгача           | 48                | 11                  | 22,9        | 2-11        |
| Икки ёшдан беш ёшгача | 59                | 17                  | 28,8        | 3-15        |
